

**Давлат тиббий суғуртаси Жамғармаси Бухоро вилоят ҳудудий
бўлинмаси томонидан 2025 йил 03-07 ноябрь кунларида
амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Тасдиқланган мониторинг жадвалига мувофиқ, бўлинма ходимлари томонидан Пешку туман тиббиёт бирлашмаси марказий касалхонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 311-сонли Қарор ижроси ҳамда ССВнинг тегишли буйруқлари асосида даволанаётган беморларда йўлланмаларнинг асосланганлиги, гипердиагностика ва полипрагмазия ҳолатлари, текширувларнинг асосланганлиги, тиббий ҳужжатларнинг юритилиши, тиббий стандартлар ва протоколлар асосида даволашнинг йўлга қўйилганлиги, клиник харажатлар гуруҳи бўйича ҳисоботлар юритилиши ва уларни ўз вақтида Жамғармага топширилиш ҳолати юзасидан мониторинг бошланди.

2. ДТСЖ Бухоро ҳудудий бўлинмасининг октябрь ойи мурожаатлар ҳисоботи ва сўровномалар жадвали тайёрланиб марказий аппаратга юборилди.

3. "Саҳоват ва кўмак" Жамғармаси томонидан даволанадиган беморларни қабул қиладиган давлат тиббиёт ташкилотлари билан семинар ўтказилди ва баённома расмийлаштирилди.

4. 2025 йил октябрь ойи АПМ ва стационар ҳисоботлар қабул қилинмоқда ва ишланмоқда.

5. ВБКТМ, ВКТМ, Улугбек Ультрамед МЧЖ клиникасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2021 йилдаги ПҚ 5199-сонли Қарори бўйича беморларни имтиёзли йўлланма орқали қабул қилиниши, даволаш тадбирларининг амалга оширилиши бўйича бемор ва яқинлари иштирокида сўровномалар ўтказилди.

6. Октябрь ойи дорихоналар реестри шакллантирилмоқда.

7. Тиббиёт муассасаларининг ноябрь ойи 85% тўловлари учун сертификат тайёрланди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармони ва ПҚ–185-сон Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 05.06.2025 йилдаги 10-сонли баёни қарорининг 1-бандига мувофиқ тажриба-синов доирасида танланган Бухоро вилоят Ёиждувон туман соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 6, 26, 8, 31, 10-сон ОПларда амалга оширилаётган ишлар жойларга чиқган ҳолда ўрганилди ва кунлик маълумотлар саволномага асосан тайёрланиб, Марказий аппаратга тақдим этилди.

9. Олот туман тиббиёт бирлашмаси, Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаларининг штат нормативлари кўриб чиқилди ҳамда иктисодчилари билан ишланди.
10. <https://cloud.dtsj.uz/> дастурига кунлик маълумотлар Гиждувон туман соғлиқни сақлаш бўлими ОПлари кесимида жамланиб юкланмоқда.
11. Вилоят муассасаларининг 3-чорак хисоботлари билан ишланмоқда.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармони ва ПҚ–185-сон Қарори ижроси юзасидан «Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти» дастури доирасида берилган топшириқлар бўйича Гиждувон туманида бугунги кунгача қилинган ишлар тўғрисида ҳафталик маълумот тайёрланиб, Марказий аппаратга юборилди.
13. Гиждувон туман ССБ бўйича 85% иловалари ва тўлов топшириқномалари терилди.
14. Реимбурсация тўловлари бўйича илова терилди.
15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2025 йил 22 августдаги 5-сонли Хайъат йиғилиши баёнида кўрсатилган чора-тадбирларни бажарилиши, яъни РИО ва РИАТМ Бухоро филиалига иммуногистохимий таҳлиллар учун ажратилган маблағларни сарфланиши ҳамда харид юзасидан қилинган ишлар бориб ўрганилди.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5199-сон Қарори асосида вилоятдаги тиббиёт муассасаларида ва хусусий клиникаларда имтиёзли даволанаётган ва даволаниб чиққан беморлар билан сўровнома ўтказилди.
17. EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими орқали келиб тушган ҳужжатлар билан ишланди, келган мурожаатларга жавоб хатлари юборилди.

**Жамғарманинг Бухоро вилоят
ҳудудий бўлинмаси бошлиғи в.б.**



А.Раджабов
07.11.2025 й.